

**Андижон давлат университети таркибидаги Таълим сифатини назорат қилиш бўлимининг  
2018-2019 ўқув йили учун иш режасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан  
Ҳ И С О Б О Т И**

Андижон давлат университети таркибидаги Таълим сифатини назорат қилиш бўлими (*келгусида ТСНҚБ, бўлим*) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 515-сон қарорининг 14-бандига мувофиқ, Андижон давлат университети ректорининг 2018 йил 16 январ кунги 01-07-сонли буйруғи билан ташкил этилган ва бўлимниг Низоми тасдиқланган бўлиб, Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда университетда талабалар билимларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини ўрганиб бориш, текшириш, таҳлил қилиш, кадрлар тайёрлаш сифати мониторингини юритиш, университетни ички аттестациядан ўтказиш ва ташқи аттестацияга тайёргарлик кўришни ташкил этиш, унинг натижалари бўйича таълим сифатига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш ва олдини олиш борасида 2018-2019 ўқув йили учун тасдиқланган иш режасига мувофиқ қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширди.

№	Амалга ошириладиган ишлар мазмуни	Бажарилиш муддати	Ижрочи масъуллар	Амалга оширилган ишлар
1.	2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларини янги 2018-2019 ўқув йилига тайёрлаш бўйича “Харакат дастури”ни тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 9498-хх-сонли топшириғини университетда тизимли бажарилишини назорат қилиш ва натижалари бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқиб, таҳлилий маълумотнома университет ректори (Кенгаши)га ва Давлат инспекциясига тақдим этиш	2018 йил август	ТСНҚБ бош мутахассиси М. Қурбанов, Ўқув ишлар бўйича проректори А. Маматюсупов, Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор А. Хамрақулов, Илмий ишлар бўйича проректор	Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларини янги 2018-2019 ўқув йилига тайёрлаш бўйича “Харакат дастури”ни тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 9498-хх-сонли топшириғи асосида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2018 йил 8 июндаги 256-сонли ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 июндаги 504-сонли буйруқлари талаблари ижросини таъминлаш ва уларда белгиланган вазифаларни

			<p>Б. Расулов, Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор С. Думаев</p>	<p>мониторингини олиб бориш мақсадида, Андижон давлат университети таркибидаги Таълим сифатини назорат қилиш бўлими томонидан 2018 йил август ойида университетнинг факультет, кафедра, бошқарма, марказ ва бўлимлари ўрганилди. Хусусан, университетининг “Харакат дастури” жами 11 та боб, 47 та бўлим ва 145 бандлардан иборат бўлиб, унда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши 2018 йил июнь-сентябрь ойларига мўлжалланган. “Харакат дастури”да кўрсатилган вазифаларни ўз вақтида ва самарали ташкил қилиш, яъни, 2018-2019 ўқув йилига тайёргарлик кўриш, университетнинг 8 та факультет, 31 та кафедра ва бўлимларда маънавий-маърифий ишлар режасини тасдиқланиши, 1 курс талабаларини тантанали равишда ўқишга қабул қилиниши, 311 та академик гуруҳлари учун ОТМнинг малакали ва тажрибали профессор-ўқитувчиларидан иборат гуруҳ мураббийини тайинланиши, 1-курсга қабул қилинган талабаларни соҳанинг етакчи олим ва мутахассислари билан яқиндан таништириш мақсадида давра суҳбати ва учрашувлар ташкил қилиниши амалга оширилди</p> <p>Шунга қарамасдан, Дастур талабаларини яна ҳам самарали ташкил этилиши ва уларни доимий бажариб борилиши юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, таҳлилий маълумотнома университет ректори (Кенгаши)га ва ўрнатилган тартибда Давлат</p>
--	--	--	--	--

2.	<p>Ишлаб чиқариш, илм-фан ва таълим ўртасида интеграцияни чуқурлаштириш учун комплекслар таркибидаги вазирлик ва идораларга қарашли тармоқлар ва соҳаларни илмий-техник ривожлантириш йўналишлар муаммоларига бағишланган мавзулар базасини шакллантириш ҳамда мазкур мауаммоларни ОТМ билан хўжалик шартномалари тузган ҳолда ҳал этишга уларнинг илмий салоҳиятини, айниқса, ёш олимлар ва тадқиқотчиларни тизимли тарзда жалб этиш ҳолатига баҳо бериш</p>	2018 йил август	ТСНҚБ ходими М. Қурбанов Илмий ишлар бўйича проректор Б.Расулов	<p>инспекциясига тақдим қилинди.</p> <p>Университетида 2017-2018 ўқув йилида бакалавр таълим йўналишлари учун 1 курсда 14 та, 2 курсда 22 та, 3 курсда 16 та ва 4 курсда 16 та фанлардан, магистратура мутахассислик йўналишларида эса 1 курсда 9 та ва 2 курсда 4 та фанлардан лаборатория ишларини бажарилиши ўрганилиб, мазкур 68 та бакалаврият ва 13 та магистратура фанлари учун лаборатория жихозлари ва зарурий моддий ашёлари билан таъминланганлиги, уларни замонавийлиги, машғулотларга ажратилган соатлари ва лаборатория ишлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тўғри ва самарали ташкил қилинганлиги аниқланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида 2018-2019 ўқув йили учун университетга биология, химия ва физика лабораториялари учун жами 127 турдаги 149 дона умумий қиймати 2 млрд. 228 млн. 472 минг сўмлик ўқув лаборатория жихозлари олиб келинди. Шу билан бирга, корхона ва ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида 16 млн. сўмлик турли хилдаги мевали, манзарали дарахт ва гул кўчатлари, 7 млн. 150 минг сўмлик 73 дона спорт жихозлари, магистрал линияларига 14 дона SWITCH қурилмалари ва 50 дона компьютерлар учун тармоқ адаптерлари ҳамда талабалар ва ёш</p>
----	---	-----------------	--	--

				<p>олимларни илмий лаборатория фаолиятини ташкил этиши мақсадида 1721,5 минг сўмлик шартнома асосида постерда плакатлар ва стенд ишлари, 123 млн. 750 минг сўмлик 5 дона “Сенсорный горизонтальный инфокиоск 32”, 48 млн. сўмлик бадий, тасвирий экспонатлар яратиш бўйича мато ва мойбўёқларда ишланган 6 дона суръат, 50 дона витрина шкафлари ва 18 дона витрина столлари ҳамда 9 млн. 315 минг сўмлик компьютер жамланма ва оргтехника воситалари олиб келинди.</p> <p>Бироқ, ўрганишда лаборатория ишларини янгилаб ва тўлдириб борилиши учун 12 та фан лаборатория ишлари учун замонавий жиҳозлар, 45 та фанлардан реактив моддалар ва 26 та фанлардан лабораторик шиша идишларни етишмаслиги, таълим муассасасига янги техника ва технология намуналарини олиб келиш, 31 та кафедраларнинг 21 тасида халқаро ёки маҳаллий грантлар, илмий-техникавий лойиҳалари ва хўжалик шартномаларида қатнашиб, инвестиция киритиш ишларини яна ҳам жадаллаштириш талаб этилаётганлиги аниқланди.</p> <p>Шу боисдан, ишлаб чиқариш, илм-фан ва таълим ўртасида интеграцияни чуқурлаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, таҳлилий маълумотнома университет ректори (Кенгаши)га киритилди.</p>
3.	Университетда 2017-2018 ўқув йилида бажарилган БМИ ва	2018 йил август-сен	ТСНҚБ	Университет ректорининг 2018 йил 8 сентябрь кунги 01-57-сонли буйруғи билан

	<p>МДларнинг сифатини ўрганиб, уларни яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва университет раҳбарияти (Кенгаши)га таҳлилий маълумотнома киритиш</p>	<p>тябрь</p>	<p>бош мутахассиси М. Курбанов</p>	<p>ОТМда Битирув малакавий иши (БМИ) ва магистрлик диссертацияси (МД)лар сифатини ўрганиш бўйича фан доктори ва фан номзодларидан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилиб, ишчи гуруҳи зиммасига 8 та факультетлари негизидаги 27 та кафедраларда жами 1938 нафар (1906 та БМИ ва 32 та МД) мавзуларининг йўналиш хусусиятлари, мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб долзарб муаммолар асосида шакллантирилганлиги, танланма асосида олинган 186 та, яъни 174 та БМИ ва 12 та МДларни меъёрий-услубий хужжатларнинг талабларига мос равишда ва вақтида бажарилганлиги, уларнинг сифати, илмий раҳбарларнинг масъулияти, тақриз ва хулосалар тўғри ёзилганлиги, режалардаги бобларни бажарилиши ва мослиги ўрганилди.</p> <p>Бироқ, айрим БМИларнинг кириш, асосий боб ва хулоса қисмларида битирув малакавий ишга қўйилган талабларни ёритилиши, бажарилиши ва ижодий фаолияти юзасидан таҳлил қилинмаганлиги, айрим ташқи тақриزلар танқидий нуқтаи-назаридан кўриб чиқилмаганлиги, айрим БМИ стилистик, грамматик, орфографик ва пунктацион хатолар билан бажарилган бўлсада, улар баҳоланишда инобатга олинмаганлиги ва бошқа нохуш ҳолатлари билан маълум бўлди.</p> <p>Ўз навбатида, айрим МДларни бажаришда топшириқларини шакллантириш, химояга қўйиш ва унинг ортидан тайёрланадиган меъёрий</p>
--	--	--------------	--	--

				<p>хужжатларда қатор техник хато-камчиликлар, илмий маслаҳатчи ўрнига илмий раҳбарнинг ўзи бириктирганлиги, саналарни нотўғри қўйилганлиги, асосий қисмда матндаги интервални бузилганлиги, шрифтларни нотўғри танлаганлиги, варақларни рақамлаш, адабиётларга ҳавола (сноска) қилиш ва пунктацион каби хатоликлар аниқланган бўлиб, ишчи гуруҳи томонидан ўрганишда мутасадди шахсларга уларни бартараф қилиш юзасидан тегишли услубий кўрсатма берилган.</p> <p>Шу сабабли, ишчи гуруҳнинг маълумотлари ва билдирилган фикр-мулоҳазалари асосида ОТМда БМИ ва МДларни тўғри бажарилиши, уларнинг сифатини яна ҳам ошириш ва яхшилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, таҳлилий маълумотнома университет ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.</p>
4.	<p>Университетда тегишли таълим йўналишлари бўйича ҳар бир талабасининг 3-курсдан бошлаб тегишли тармоқ (соҳа)нинг муайян ташкилотлари ва корхоналарида малакавий амалиётлари тизимли равишда ўтказилишини, шунингдек уларнинг амалий машғулотларини бевосита ишлаб чиқаришда ташкиллаштириш ҳамда битирувчиларни ишга жойлаштириш ҳолатини баҳолаш ва тегишли таклифларни ишлаб чиқиш</p>	2018 йил сентябрь	<p>ТСНҚБ бош мутахассиси М. Қурбанов, Ўқув ишлар бўйича проректори А. Маматюсупов</p>	<p>Университет ректорининг 2018 йил 8 сентябрь кунги 01-57-сонли буйруғи билан университетда Битирув малакавий иши (БМИ) ва магистрлик диссертациялари (МД) сифатини ўрганиш билан бир қаторда уларни малакавий амалиёти (битирув олди амалиёти) билан узвий боғлиқлиги ҳолати ОТМдаги фан доктори ва фан номзодларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан ўрганилган бўлиб, ишчи гуруҳи зиммасига 27 та кафедраларда малакавий амалиёт, уларни таълим тизимидаги роли, меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар талабларига мос равишда ўтилатганлиги, ўтказилиши сифати, ўз вақтида</p>

			<p>тўғри бажарилиши, ҳисоботларни талаб даражасида ёзилиши, ҳимоя қилиниши, амалиёт раҳбарларининг масъулияти ҳамда 2017-2018 ўқув йилида ўқишни тамомлаган жами 1943 нафар битирувчилар (1911 та бакалавриат ва 32 та магистратура) БМИ ва МДларни бажаришда малакавий амалиётларни узвий боғлиқлиги ўрганиш юклатилди. Натижада, амалиётлар умумий ҳисобда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари асосида тўғри ташкил қилинган бўлсада, уларнинг ҳужжатларини расмийлаштиришда хато-камчиликлар яъни, амалиёт топшириқларини тўлдириб борилиши, бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисоботни тайёрланиши ва деканат томонидан бажарилишини мониторингини олиб боришда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилганлиги аниқланди. Бунга асосан кафедраларда малакавий амалиётнинг ҳужжатларини юритилиши учун ўз таълим йўналиши хусусиятидан келиб чиққан ҳолда <i>“малакавий амалиёт турларини тартибга солиш, уни ташкиллаштириш, ўтказиш, комиссия томонидан амалиёт натижаларини баҳолаш ва кенгаш томонидан яқуний ҳулосани қабул қилиш”</i> юзасидан тайёрланган услубий кўрсатмалар бугунги кунга қўйилган талабларга мос эмаслиги ва уларнинг янги таҳририни ишлаб чиқилмаганлиги омил бўлган.</p> <p>Шу билан бирга, ўрганишда педагогик</p>
--	--	--	---

			<p>таълими йўналишларида ёзги амалиётларни ўташда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқарганлиги аниқланиб, бунга аксарият таълим муассасалари ёзги таътилда амалиётчи талабаларни қабул қилиш ва амалиёт ўташга имкониятини мавжуд эмаслиги сабаб бўлган.</p> <p>Шунингдек, университет ректорининг 2017 йил 2 февралдаги 01-5-сонли буйруғи асосида ОТМнинг 40 нафардан иборат раҳбар ходимлари, ЎМКМТБ ва ХТБ мутахассисларидан иборат комиссия аъзолари томонидан университетни 2017-2018 ўқув йилида тамомлаган 1911 нафар бакалаврият ва 32 нафар магистратура талабалари рўйхати асосида маълумот базаси яратилиб, келгусида уларни ишга жойлашуви мониторинги олиб борилган.</p> <p>Бироқ, ўрганишда, ОТМни давлат гранти асосида тамомлаган 399 нафар бакалаврият битирувчиларнинг 297 таси халқ таълими тизимида, 4 таси академик лицейларга, 12 таси коллежларга, 9 таси жамоат ташкилотларига ишга жойлашган ва 21 таси эса таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттираётган бўлса, 17 та битирувчилар хомилдорлик ва 34 таси бола парвариш қилиш таътилидалиги боис ишга жойлашмаганлиги, ўз навбатида, шартнома асосида таҳсил олган 1512 нафар бакалаврият битирувчиларнинг 971 таси халқ таълими тизимида, 7 таси академик лицейларга, 50 таси коллежларга, 106 таси иқтисодиётнинг</p>
--	--	--	--



				<p>бошқа соҳаларига ишга жойлашган ва 26 таси эса таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттириб келаётган бўлсада, битирувчиларнинг 60 таси хомиладорлик ва 212 таси бола парвариш қилиш таътилдалиги учун ишга жойлашмаганлиги, қолган 80 тасини эса ишга жойлашиш жараёнлари қийин кечаётганлиги маълум бўлган. Шу каби ҳолат магистратура битирувчиларда ҳам кузатилган бўлиб, ОТМни давлат гранти (13 нафар) ва шартнома (19 нафар) асосида тамомлаган жами 32 нафар магистратура битирувчиларининг 7 таси олий таълим тизимида, 4 таси коллежларда, 3 таси академик лицейларда ва 12 таси халқ таълими тизимида ишга жойлашган бўлса, 1 нафар талаба хомиладорлиги ва 5 нафари бола парвариш қилиш таътилидалиги учун ишга жойлашмаган.</p> <p>Шу боис, ишчи гуруҳнинг ўрганиш маълумотлари ва билдирилган фикр-мулоҳазалари асосида ОТМда малакавий амалиётларни яна ҳам самарали ташкил қилиниши, ўтказилиши, баҳоланиши ва уларни ўзаро ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқлигини сақлаб қолиш ҳамда битирувчиларни ишга жойлаштиришга оид ишларни яна ҳам жадаллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, таҳлилий маълумотнома университет ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.</p>	
5.	Университетни	замонавий	2018 йил	ТСНҚБ бош	Университетда Ахборот технологиялари

	<p>ахборот-коммуникация технологиялар воситалари билан таъминлаш, талабалар, ўқитувчи ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳондаги илғор таълим ресурслари, илмий адабиётлар ва маълумотлар базаси бўйича электрон каталогларга кириш имкониятини кенгайтириш вазифалари ижросини ўрганиш.</p>	<p>октябрь</p>	<p>мутахассиси М. Қурбанов, АТМ бошлиғи А. Мирзаалимов, АРМ бошлиғи З. Эгамбердиев</p>	<p>маркази ва Ахборот-ресурс марказларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминланиш ҳолати, талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳондаги илғор таълим ресурси, илмий адабиётлар ва маълумотлар базаси бўйича электрон каталогларга кириш имконияти ва уларни кенгайтириш вазифаларини ижроси ўрганилганда, бугунги кунда (2018 йил 1 октябрь кунги ҳолатига) 31 та кафедралар ихтиёрида жами 260 та ўқув аудиториялар мавжуд бўлиб, уларнинг 103 тасини амалий кўникмаларни ўзлаштириш учун зарур бўлган махсус ўқув хоналар ташкил қилиши, мазкур ўқув хоналарда фойдаланиш учун 16 та электрон доскалар ва 103 та проекторлар (50 та стационар ўқув презентацион ва 53 та мультимедиа қурилма) воситалари мавжудлиги маълум бўлди. Ушбу ўқув аудиториялардаги жами 620 та компьютерларнинг 221 таси Интернет тармоғига уланиш имкониятини берса, қўшимча равишда 27 та Wi-Fi худудлари ташкил қилинганлиги аниқланди. Шунингдек, ОТМда мустақил таълимни олиш учун Ахборот-ресурс марказида 1 та сервер, 82 та компьютер, 1 та сканер, 4 та принтер, 3 та ксерокопия ва 4 та проекторлар мавжуд бўлиб, улардан профессор-ўқитувчилар, талабалар, илмий тадқиқотчилар ва малака ошириш марказлари тингловчилари ҳамда ишчи-ходимлар ва</p>
--	---	----------------	--	--

			<p>аҳолининг бошқа қатламлари кутубхона хизмати ва электрон ахборот тизимлари йўналишида самарали фойдаланиб келинмоқда. Ўз навбатида, айнан илмий–тадқиқот йўналиши учун АРМда 17486 номда илмий адабиётлар мавжуд бўлса, EBSCO ва SCOPUS компаниялари илмий-таълим маълумотлар базасидан ҳамда <a href="http://www.kutubxona.adu.uz">www.kutubxona.adu.uz</a> электрон кутубхона сайти орқали мавжуд электрон адабиётлар, миллий ва хорижий ахборот ресурсларидан фойдаланиши учун имкониятлар яратилган.</p> <p>Бироқ, кафедраларда таълимни ривожлантириш учун проектор, электрон доска ва зарурий оргтехника воситаларини етишмовчилиги ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Шу билан бирга, айрим ҳолатда жаҳондаги илғор таълим ресурсларига кириш ва ундаги маълумотларни олишда бир қатор қийинчиликлар кузатилган бўлиб бунга бир томондан талабаларни ташқи сайтларга чиқиш билан боғлиқ муаммоларни мавжудлиги, иккинчи томонидан эса жаҳондаги илғор таълим ресурсларидаги адабиётлар ва маълумотлар базасини хорижий тилларда эканлиги омил бўлмоқда.</p> <p>Шу боисдан, айрим кафедралар ва марказларда моддий-техника базаси ҳолати билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф қилиниши ҳамда жаҳондаги илғор таълим ресурсларига кириш ва маълумотларни олишда қўшимча қулайликларни яратиш ва таълим</p>
--	--	--	---

				сифатини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, таҳлилий маълумотнома ОТМ ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.
6.	Педагог кадрларнинг танлов асосида ишга қабул қилинганлиги, мутахассислик бўйича мослиги ҳолатини ўрганиш	2018 йил октябрь	ТСНҚБ бош мутахассиси М. Қурбанов, Кадрлар бўлими бошлиғи Э. Аблазов	<p>2018-2019 ўқув йилида (2018 йил 1 октябрь кунги ҳолатига) университетнинг 8 та факультетлари ва уларнинг негизидаги 31 та кафедраларида меҳнат фаолиятини олиб борган жами 757 нафар педагог кадрларни танлов асосида ишга қабул қилинганлиги, ўтилатган фанлардан мутахассислигини мослиги ва нопедагог ўқитувчиларни дарс машғулотларини ўтиб келиши ҳолатлари ўрганилганда, 7 та кафедраларда (Жахон тарихи, Ўзбекистонда демократик жамиятини қуриш назарияси ва амалиёти, Педагогика, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, Мусиқа таълими, Рус тили ва адабиёти ҳамда Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедралари) жами 17 нафар профессор-ўқитувчиларнинг дипломи бўйича мутахассислиги улар томонидан ўтилатган фанларга мос эмаслиги ва 1 та кафедра (Мусиқа таълими)да 2 нафар ўқитувчини нопедагог эканлиги ҳамда ОТМда педагог кадрлар танловини ўтказиш жараёнида улар инobatга олинмаганлиги аниқланди.</p> <p>Шу сабабли, аниқланган ҳато-камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш ва келгусида ушбу йўналиш бўйича ишларни тизимлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрланиб, таҳлилий маълумотнома</p>

				ОТМ ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.
7.	<p>Университетнинг Тарих факультетида ўқув, ўқув-услугий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий тадбирларни амалга ошириб борилишини, ижро интизомини ва ижтимоий муҳитни таҳлилий ўрганиб, ўрнатилган тартибда университет Ректори (Кенгаши)га таҳлилий маълумот киритиш</p>	2018 йил ноябрь	<p>ТСНҚБ бош мутахассиси М. Қурбанов, Ўқув-услугий бошқармаси бошлиғи Р. Муллажонов, Илмий бўлим бошлиғи А. Имирсинова, Маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи А. Акбаров</p>	<p>Университетда Тарих факультети ва унинг 3 та кафедраларда ўқув-меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри шакллантирилиши (ДТС, малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурлари, ишчи ўқув режалари ва ишчи фан дастурлари билан таъминланганлик ҳолатини), профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш (Вақт меъёрлари) режалар, ушбу шахсий иш режалар асосида кафедра ва келгусида факультетларнинг иш режаларини тузилганлиги, хисоботларини ўз вақтида расмийлаштирилганлиги, бажарилганлиги, асословчи ҳужжатларини мавжудлиги, талабалар давомати, дарс таҳлили, илмий салоҳият, малака ошириш ҳолати, БМИ ва МДларнинг бажарилиши ўрганилди. Ўз навбатида, факультетда ижро интизоми ва ижтимоий муҳитни аниқлаш, талабалар билан олиб борилаётган ишлар ҳамда уларни таълим ва тарбияга бўлган муносабатларини ўрганиш мақсадида, факультетнинг Тарих ва Архившунослик таълим йўналишларида таҳсил олаётган 1, 2, 3 ва 4 курслардаги жами 126 нафар талабалар иштирокида 3 ҳил турдаги ижтимоий сўровномалар ўтказилди.</p> <p>Олиб борилган ўрганиш ишлари натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Тарих факультети ва кафедраларида ташкил қилинган таълим ва</p>

				<p>тарбия жараёнлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2013 йилдаги “Олий таълим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар” тўпламига қўйилган талаблар асосида умумий ҳисобда тўғри ташкил қилинган бўлсада, бироқ, ўқув-меъёрий ҳужжатларни шакллантириш, ижросини амалга ошириш, бажариш ва ташкилий тадбирларни амалга оширишда бир қатор камчиликлар аниқланган бўлиб, уларга баъзи фан дастури, асосан рус гуруҳлари учун ишчи ўқув дастури ва ўқув-услубий мажмуалар шакллантириш ҳамда факультет ва кафедраларда 2018-2019 ўқув йили учун иш режасини ҳисоботларини тайёрлашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига тўлиқ амал қилинмаганлиги, профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режалари бандларини ишлаб чиқиш ва хажмини белгилаш, дарс жараёнларини ташкил қилиниши, талабалар давомати, БМИ ва МДлар ҳамда илмий-тадқиқот иши ва малака оширишда ташкилий масалалардаги хато-камчиликларни киритиш мумкин.</p> <p>Шу сабабли, Тарих факультети ва унинг 3 та кафедраларда ўқув-меъёрий ва услубий ҳужжатларни тўғри юритилиши ва таълим сифатини ошириш юзасидан 24 та бандлардан иборат таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, таҳлилий маълумотнома ОТМ ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.</p>
8.	Олий таълим муассасасида	2018 йил	ТСНҚБ	Университетда 2018-2019 ўқув йилида (2018

	<p>2017-2018 ўқув йилидан бошлаб мутахассислик фанларини инглиз тилида ўқитишни босқичма-босқич ташкил этиш, инглиз тилида дарс ўтадиган профессор-ўқитувчиларни мақсадли тайёрлаш, уларни хорижда тегишли тайёргарликдан ўтишини ташкил этиш, шунингдек, ўқув машғулотларини олиб боришга хорижий мутахассисларни жалб қилиш, машғулотларни ривожланган давлатлар олий таълим муассасаларида бугунги кунда фойдаланилаётган замонавий ўқув адабиётлари асосида ўтилишини ўрганиш</p>	<p>ноябрь</p>	<p>бош мутахассиси Э. Курбанов</p>	<p><i>йил 1 ноябрь ҳолатига</i>) 8 та факультетлар тасарруфидаги 31 кафедраларда мутахассислик фанларини чет тилида ўқитилиши ҳолати ва профессор-ўқитувчиларни чет тилида дарс машғулотларини ташкил қилиниши учун мақсадли тайёрланиши ўрганилганда, Математика кафедрасида 2 курс талабаларига “Алгебра” фанидан амалий машғулотлар инглиз тилида ўтиляётганлиги ва 2019-2020 ўқув йили учун қўшимча равишда 3 та фанларни ҳам инглиз тилида ўқитиш учун режага киритилганлиги аниқланди.</p> <p>Шунингдек, университетда ўқув машғулотларини олиб борилиши учун хорижий мутахассисларни жалб қилиниши ўрганилганда, бугунги кунга қадар (<i>2018 йил 1 ноябрь кунги ҳолатига</i>) хорижий ҳамкор олий таълим муассасасалар, илмий-тадқиқот институтлари ва бошқалардан 11 нафар юқори малакали профессор-ўқитувчилар, олимлар ва мутахассисларни ташрифи маълум бўлди.</p> <p>Ўз навбатида, АҚШнинг Вашингтон университети ва Жанубий Кореянинг Сеул миллий университетлари билан олиб борилган ҳамкорликлар асосида хориждан 2 нафар профессор-ўқитувчиларни узоқ муддатларга жалб қилиниши ва талабаларга чет тили курсларини ўтиб келинаётганлиги таъминланди.</p>
<p>9.</p>	<p>Университетнинг Табиий фанлар ва Физика-математика факультетларида ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот,</p>	<p>2018 йил декабрь</p>	<p>ТСНҚБ бош мутахассиси М. Курбанов,</p>	<p>Университет ректорининг 2018 йил 3 декабрдаги 01-68-сонли буйруғи талабаларидан келиб чиқиб Табиий фанлар ва</p>

	<p>маънавий-маърифий ва ташкилий тадбирларни амалга ошириб борилишини, ижро интизомини ва ижтимоий муҳитни таҳлилий ўрганиб, ўрнатилган тартибда университет Ректори (Кенгаши)га таҳлилий маълумот киритиш</p>		<p>Ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи Р. Муллажонов, Илмий бўлим бошлиғи А. Имирсинова, Маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи А. Акбаров</p>	<p>Физика-математика факультетлари ва улардаги кафедраларда ўқув-меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри шакллантирилиши (ДТС, малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурлари, ишчи ўқув режалари, ишчи ўқув дастури билан таъминланганлик ҳолати), профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш (Вақт меъёрлари) режалари, шахсий иш режалар асосида кафедра ва келгусида факультетларнинг иш режаларини тузилганлиги, хисоботларини ўз вақтида расмийлаштирилганлиги, бажарилганлиги, асословчи ҳужжатларини мавжудлиги, талабалар давомати, дарс таҳлили, илмий салоҳият, малака ошириш ҳолати, БМИ ва МДларнинг бажарилиши ўрганилди. Ўз навбатида, факультетда ижро интизоми ва ижтимоий муҳитни аниқлаш, талабалар билан олиб борилаётган ишлар ҳамда уларни таълим ва тарбияга бўлган муносабатларини ўрганиш мақсадида, Табиий фанлар факультетнинг Кимё, Биология, География, Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, Озиқ-овқат технологияси таълим йўналишларида ҳамда Физика-математика факультетининг Физика, Математика, Информатика ўқитиш методикаси, Физика ва астрономия ўқитиш методикаси, Механика ва Касбий таълим (ИАТ) таълим йўналишларида таҳсил олаётган 1, 2, 3 ва 4 курслардаги жами 269 нафар (166 ва 103 нафардан) талабалар иштирокида 3 ҳил турдаги ижтимоий</p>
--	--	--	--	---



			<p>сўровномалар ўтказилди.</p> <p>Олиб борилган ўрганиш ишлари натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Табиий фанлар ва Физика-математика факультетлари ва уларнинг негизидаги кафедраларда ташкил қилинган таълим ва тарбия жараёнлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2013 йилдаги “Олий таълим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар” тўпламига қўйилган талаблар асосида умумий ҳисобда тўғри ташкил қилинган бўлсада, бироқ, ўқув-меъёрий ҳужжатларни шакллантириш, ижросини амалга ошириш, бажариш ва ташкилий тадбирларни амалга оширишда бир қатор камчиликлар аниқланган бўлиб, уларга баъзи фан дастури, асосан рус гуруҳлари учун ишчи ўқув дастури ва ўқув-услубий мажмуалар шакллантириш ҳамда факультет ва кафедраларда 2018-2019 ўқув йили учун иш режасини ҳисоботларини тайёрлашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига тўлиқ амал қилинмаганлиги, профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режалари бандларини ишлаб чиқиш ва ҳажмини белгилаш, дарс жараёнларини ташкил қилиниши, талабалар давомати, БМИ ва МДлар ҳамда илмий-тадқиқот иши ва малака оширишда ташкилий масалалардаги хато-камчиликларни киритиш мумкин.</p> <p>Шу боисдан, Табиий фанлар ва Физика-математика факультетлари ва уларнинг</p>
--	--	--	--

				негизидаги кафедраларда ўқув-меъёрий ва услубий хужжатларни тўғри юритилиши ва таълим сифатини ошириш юзасидан 28 та бандлардан иборат таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, таҳлилий маълумотномалар ОТМ ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.
10	<p>Университетнинг Жисмоний маданият факультетида ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий тадбирларни амалга ошириб борилишини, ижро интизомини ва ижтимоий муҳитни таҳлилий ўрганиб, ўрнатилган тартибда университет Ректори (Кенгаши)га таҳлилий маълумот киритиш</p>	2019 йил январь	<p>ТСНҚБ бош мутахассиси М. Курбанов, Ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи Р. Муллажонов, Илмий бўлим бошлиғи А. Имирсинова, Маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи А. Акбаров</p>	<p>Университет ректорининг 2018 йил 3 декабрдаги 01-68-сонли буйруғи талабларидан келиб чиқиб Жисмоний маданият факультети ва унинг 3 та кафедраларда ўқув-меъёрий ва ҳуқуқий хужжатларни тўғри шакллантирилиши (ДТС, малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурлари, ишчи ўқув режалари ва ишчи ўқув дастурлари билан таъминланганлиги), профессор-ўқитувчилар шахсий иш (Вақт меъёрлари) режалари, ушбу шахсий иш режалар асосида кафедра ва келгусида факультетларнинг иш режаларини тўғри тузилганлиги, хисоботларини ўз вақтида тўлиқ расмийлаштирилганлиги, бажарилганлиги, асословчи хужжатларини мавжудлиги, талабалар давомати, дарс таҳлили, илмий салоҳият, малака ошириш ҳолати, БМИ ва МДларнинг бажарилиши ўрганилди. Ўз навбатида, факультетда ижро интизоми ва ижтимоий муҳитни аниқлаш, талабалар билан олиб борилаётган ишлар ҳамда уларни таълим ва тарбияга бўлган муносабатларини ўрганиш мақсадида, факультетнинг Жисмоний маданият ва Хотин-қизлар спорти таълим йўналишларида таҳсил олаётган 1, 2, 3 ва 4 курслардаги жами</p>

			<p>115 нафар талабалар иштирокида 3 ҳил турдаги ижтимоий сўровномалар ўтказилди.</p> <p>Олиб борилган ўрганиш ишлари натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Жисмоний маданият факультети ва кафедраларида ташкил қилинган таълим ва тарбия жараёнлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2013 йилдаги “Олий таълим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар” тўпламига қўйилган талаблар асосида умумий ҳисобда тўғри ташкил қилинган бўлсада, бироқ, ўқув-меъёрий ҳужжатларни шакллантириш, ижросини амалга ошириш, бажариш ва ташкилий тадбирларни амалга оширишда бир қатор камчиликлар аниқланган бўлиб, уларга баъзи фан дастури, асосан рус гуруҳлари учун ишчи ўқув дастури ва ўқув-услубий мажмуалар шакллантириш ҳамда факультет ва кафедраларнинг 2018-2019 ўқув йили иш режаларига ҳисоботларни тайёрлашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига тўлиқ амал қилинмаганлиги, профессор-ўқитувчилар шахсий иш режалари бандларини ишлаб чиқиш ва хажмини белгилаш, дарс жараёнларини ташкил қилиниши, талабалар давомати, БМИ ва МДлар ҳамда илмий-тадқиқот иши ва малака оширишда ташкилий масалалардаги хато-камчиликларни киритиш мумкин.</p> <p>Шу сабабли, Жисмоний маданият факультети ва унинг 3 та кафедраларда ўқув-меъёрий ва услубий ҳужжатларни тўғри юритилиши ва</p>
--	--	--	---

				таълим сифатини ошириш юзасидан 29 та бандлардан иборат таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, таҳлилий маълумотнома ОТМ ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.
11 .	<p>Университетнинг Филология факультетида ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий тадбирларни амалга ошириб борилишини, ижро интизомини ва ижтимоий муҳитни таҳлилий ўрганиб, ўрнатилган тартибда университет Ректори (Кенгаши)га таҳлилий маълумот киритиш</p>	2019 йил февраль	<p>ТСНҚБ бош мутахассиси М. Курбанов, Ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи Р. Муллажонов, Илмий бўлим бошлиғи А. Имирсинова, Маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи А. Акбаров, Девонхона ва архив бўлими бошлиғи Б. Юнусов</p>	<p>Университет ректорининг 2019 йил 1 февралдаги 01-03-сонли буйруғи талабларидан келиб чиқиб Филология факультети ва унинг 3 та кафедраларида ўқув-меъёрий ва ҳуқуқий хужжатларни тўғри шакллантирилиши (ДТС, малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурлари, ишчи ўқув режалари ва ишчи ўқув дастурлари билан таъминланганлиги), профессор-ўқитувчилар шахсий иш (Вақт меъёрлари) режалари, шахсий иш режалар асосида кафедра ва келгусида факультетларнинг иш режаларини тўғри тузилганлиги, хисоботларини ўз вақтида тўлиқ расмийлаштирилганлиги, бажарилганлиги, асословчи хужжатларини мавжудлиги, талабалар давомати, дарс таҳлили, илмий салоҳият, малака ошириш ҳолати, БМИ ва МДларнинг бажарилиши ўрганилди. Ўз навбатида, факультетда ижро интизоми ва ижтимоий муҳитни аниқлаш, талабалар билан олиб борилаётган ишлар ҳамда уларни таълим ва тарбияга бўлган муносабатларини ўрганиш мақсадида, факультетнинг Филология ва тилларни ўқитиш (Ўзбек тили), Филология ва тилларни ўқитиш (Рус тили), Она тили ва адабиёти (Рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда) ҳамда Она тили ва адабиёти (Қирғиз</p>

			<p>тили ва адабиёти) таълим йўналишларида таҳсил олаётган 1, 2, 3 ва 4 курслардаги жами 175 нафар талабалар иштирокида 3 ҳил турдаги ижтимоий сўровномалар ўтказилди.</p> <p>Олиб борилган ўрганиш ишлари натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Филология факультети ва унинг 3 та кафедраларида ташкил қилинган таълим ва тарбия жараёнлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2013 йилдаги “Олий таълим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар” тўпламига қўйилган талаблар асосида умумий ҳисобда тўғри ташкил қилинган бўлсада, бироқ, ўқув-меъёрий ҳужжатларни шакллантириш, ижросини амалга ошириш, бажариш ва ташкилий тадбирларни амалга оширишда бир қатор камчиликлар аниқланган бўлиб, уларга баъзи фан дастури, асосан рус гуруҳлари учун ишчи ўқув дастури ва ўқув-услубий мажмуалар шакллантириш ҳамда факультет ва кафедраларнинг 2018-2019 ўқув йили иш режаларига ҳисоботларни тайёрлашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига тўлиқ амал қилинмаганлиги, профессор-ўқитувчилар шахсий иш режалари бандларини ишлаб чиқиш ва ҳажмини белгилаш, дарс жараёнларини ташкил қилиниши, талабалар давомати, БМИ ва МДлар ҳамда илмий-тадқиқот иши ва малака оширишда ташкилий масалалардаги хато-камчиликларни киритиш мумкин.</p> <p>Шу сабабли, Филология факультети ва унинг</p>
--	--	--	--

				3 та кафедраларда ўқув-меъёрий ва услубий хужжатларни тўғри юритилиши ва таълим сифатини ошириш юзасидан 30 та бандлардан иборат таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, таҳлилий маълумотнома ОТМ ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.
12	Университетда узлуксиз таълим тизимини олиб борилиши фаолияти самарадорлигига баҳо бериш ва унинг рейтингини эълон қилиш.	2019 йил февраль	ТСНҚБ Бошлиғи Д.Нурматов	Университетда факультет ва кафедралар кесимида 2018 (календарь) йили учун рейтингини аниқлаш, уларда рейтинг кўрсаткичларини белгиловчи натижаларни асословчи хужжатларини ўрганиб, университетда аниқланган хато ва камчиликлар юзасидан рейтинг натижаларини яна ҳам оширишга қаратилган қатор ишларни олиб борилиши ҳолати ва унинг самараси ўрганилди. Айтиш жоизки, ОТМнинг рейтингини Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган 4 та бўлимдаги 23 та индикатор кўрсаткичлари бўйича аниқланаётган бўлиб, уларга жами 190 балл (максимал) белгиланган ва университетда амалга оширилган ишлар факультет (кафедра)лар кесимида таҳлил қилинган. Унга кўра, факультетлар томонидан университет рейтингини ошириш бўйича бир қатор ижобий чора-тадбирлар амалга оширилган ва ушбу йўналиш бўйича маълум даражада ютуқларга эришган бўлсада, айрим кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан баъзи рейтингни белгиловчи индикатор кўрсаткичлари бўйича деярли ишлар ташкил қилинмаганлиги

			<p>ёки имкониятини чекланганлиги аниқланди. Хусусан, ОТМда Табиий фанлар факультети (География), Тарих факультети (Ўзбекистон тарихи ва Фуқаролик жамияти назарияси), Чет тиллари факультети (Француз тили ва факультетлараро чет тиллари), Ижтимоий-иқтисодиёт факультети (Умумий психология, Иқтисодиёт, МҒМАҲТ ва Фалсафа), Педагогика факультети (Умумтехника фанлари ва мехнат таълими), Филология факультети (Ўзбек тилшунослиги), Жисмоний маданият факультети (Факультетлараро жисмоний маданият ва спорт ҳамда Одам физиологияси ва хаёт хавфсизлиги кафедралари) томонидан 2.2. банди (ОТМ профессор-ўқитувчилари томонидан ёзиб тайёрланган ва рўйхатдан ўтказилган дарслик ва ўқув қўлланмалар), 2.3. банди (Хорижий ўқитувчилар ва талабалар улуши), 2.4. банди (Хорижий ОТМлар билан алмашув дастурларида ўқитувчилар ва талабаларнинг иштирок этиши) ҳамда 2.5. банди (Таълим йўналишлари бўйича чет тилида ўтиладиган фанлар сони) бўйича келтирилган рейтинг кўрсаткичлари бўйича иш олиб борилмаганлиги маълум бўлди.</p> <p>Шу боисдан, факультет (кафедра)ларда рейтинг кўрсаткичларини белгиловчи бандлар бўйича чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириладиган ишларни яна ҳам самарали ташкил қилиш мақсадида, 9 та бандлардан иборат таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб,</p>
--	--	--	---

				таҳлилий маълумотнома ОТМ ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.
13	<p>Университетда 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да ўтказиладиган Олимпия ўйинларига муносиб тайёргарлик кўриш.</p>	<p>2019 йил март</p>	<p>ТСНҚБ бош мутахассиси Э. Қурбанов, Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор А. Хамрақулов, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Б. Расулов</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17-январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармони билан тасдиқланган Давлат дастури талабларини ижросини таъминлаш борасида университетда 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да ўтказиладиган Олимпия ўйинларига муносиб тайёргарлик кўриш ишлари ҳолатлари ўрганилди.</p> <p>Шунингдек, университетда спорт йўналиши бўйича профессор-ўқитувчилар, малакали тренер, ҳакам ва бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида хорижий олий таълим муассасалари билан халқаро ҳамкорлик аҳоқаларини ўрнатганлиги ўрганилганда, Жисмоний маданият назарияси ва методикаси кафедраси Россия Федерациясининг П.Ф.Лесгафт номидаги Санкт-Петербург жисмоний тарбия университети, Москва жисмоний тарбия ва спорт педагогика институти, Япониянинг Токио шаҳридаги Япон тили ва маданияти институти ва Қирғизистон Республикаси Ош давлат педагогика университетлари билан ҳамкорлик алоқаларини</p>



			<p>мавжудлиги ҳамда халқаро ҳамкорликни амалда оширилиши Ош давлат педагогика университетининг Жисмоний маданият таълими йўналишидан 3 нафар 3-курс талабалари 2017-2018 ўқув йилида, 3 нафар 1-2 курс талабалари эса 2018-2019 ўқув йилида 1-2 ой муддатларга Андижон давлат университетда таълим олганлиги ҳамда Москва жисмоний тарбия ва спорт педагогика институтининг профессори В.Беляев томонидан 2018-2019 йилда факультет талабаларига онлайн курсларни ташкил қилганлиги маълум бўлди. Шу билан бирга, ҳамкорлик доирасида факультет ўқитувчиси А.Турсунов бугунги кунда Япониянинг Токио шаҳрида Япон тили ва маданияти институти қошидаги докторантурада тахсил олаётган бўлса, Жисмоний маданият ва спорт кафедраси мудири Р.Исаков “Эл юрт умиди” жамғармаси томонидан ташкил этилган танловда иштирок этиб, Россия Федерациясига малака ошириш курсига қабул қилинди. Ўз навбатида, университетдан 10 нафар атрофида спортчи талабаларни 2020 йили Токио Олимпия ўйинларида қатнашиши кутилаётган бўлиб, бугунги кунда улар Жаҳон, Осиё ва республика миқёсида ўтказилан спорт мусобақаларида совринли ўринларни кўлган киритганлиги ва XXXII-ёзги Олимпиадага йўлланмани кўлга киритиш учун тайёргарлик кўриб келаётганлиги аниқланди.</p> <p>Бироқ, 2017-2018 ва 2018-2019 ўқув</p>
--	--	--	---

				<p>йилларида (2019 йил 1 январь кунги ҳолатига) факультетда спорт йўналиши бўйича ишлаб келаётган жами 53 нафар профессор-ўқитувчиларнинг қайта тайёрлаш ва малакасини оширганлиги ўрганилганда, жами 53 нафар профессор-ўқитувчиларнинг 46 нафари малака ошириш курсига юборилган ва уларнинг 44 нафари курсни ижобий якунлаган бўлса, қолган 2 нафари эса курсни якунлай олмаганлиги аниқланди.</p> <p>Шунга қарамасдан, университетда 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да ўтказиладиган Олимпия ўйинларига муносиб тайёргарлик кўриш ишларини яна ҳам самарали ташкил қилиниши юзасидан таҳлилий маълумотнома тайёрланиб, ОТМ ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.</p>
14	<p>Университет ёшларини илмий фаолиятга кенг жалб этиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳолатини ўрганиш.</p>	2019 йил март	<p>ТСНҚБ бош мутахассиси Э. Қурбанов, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Б. Расулов</p>	<p>Университетда 2018-2019 ўқув йилида халқаро илмий журналлар Scopus, Web of Science, Science direct, Thomson reuters каби халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилиши, «Эл-норт умиди» жамғармасида республика бўйича давлат органлари эҳтиёжи учун хорижда таълим олиши лозим бўлган истиқболли кадрлар ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантириш, иқтидорли ёшлар учун бакалавр босқичини жаҳоннинг нуфузли олий таълим муассасаларида давом эттиришга яратилган имкониятлар, халқаро журналларда илмий мақола чоп этган муаллифларни</p>

			<p>рағбатлантириш тизимини жорий этилганлиги ҳолати ўрганилди. Жумладан, университетда ёш тадқиқотчиларнинг илмий фаолиятини чоп этиш учун университет муассислигида Илмий хабарнома (Научный вестник) журнали мавжуд бўлиб, илмий журнал 1 йилда тўрт мартаба фалсафа, тарих, филология, педагогика, кимё, физика, биология ва бошқа фанлар бўйича мақола қабул қилади ҳамда илмий журнал Олий аттестация комиссиясининг диссертация натижалари юзасидан илмий мақола эълон қилиниши лозим бўлган нашрлар рўйхатига киритилган.</p> <p>Шунингдек, ОТМда ёш ўқитувчи, тадқиқотчи ва талабаларни хорижда малака ошириш, стажировка, магистратура ва докторантурада таҳсил олиши учун олиб борилаётган ишлари ва уларнинг самарадорлиги ўрганилганда, “Эл-юрт умиди” жамғармасининг 1-стипендиялар танловига жами 51 нафар номзодлар ҳужжатлари топширилганлиги, уларнинг 3 нафари магистратура, 9 нафари докторантура, 7 нафари стажировка ва 32 нафари малака ошириш дастурлари бўйича ҳужжат топширган бўлса, 4 та босқич синов натижаларига кўра, 18 нафар профессор-ўқитувчилар хорижга йўлланмани қўлга киритган.</p> <p>Шу билан бирга, бугунги университет томонидан 30 дан ортиқ хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан ўқув, илмий, илмий-тадқиқот, ижтимоий-маданий,</p>
--	--	--	--

			<p>ўқув дастурларини модернизация қилиш ва кадрлар тайёрлаш соҳаларида истиқболли ҳамкорликлар ўрнатилганлиги, унинг асосида 8 нафар ёш ўқитувчилар ва тадқиқотчиларни стажировка, қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун Италия, Хитой, Испания ва АҚШ давлатларида бўлганлиги аниқланди.</p> <p>Ўз навбатида, 2015-2016 ўқув йилида 4 та DSc, 2016-2017 ўқув йилида 2 та DSc ва 6 та PhD ҳамда 2017-2018 ўқув йилида эса 3 та DSc ва 14 та PhD докторлик ва номзодлик диссертациялари доирасида 29 та илмий тадқиқот ишлари муваффақиятли химоя қилинган бўлса, уларнинг 13 тасини (барчаси PhD доирасида) 40 ёшгача ёш олимлар ташкил қилмоқда.</p> <p>Бироқ, <i>(2018 йил 1 декабрь кунги ҳолатига кўра)</i> университетда асосий ва ўриндошлик асосида меҳнат фаолиятини олиб бораётган жами 735 нафар профессор-ўқитувчиларнинг 302 таси 40 ёшгача бўлган ёш ўқитувчиларни ташкил қилиб, уларнинг фақатгина 102 таси бугунги кунда илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиб келмоқда. Ёш ўқитувчилар орасидан 2 нафари фан доктори ва 24 нафари эса фан номзодлари (шу жумладан, PhD таянч докторлари) бўлиб, ёш ўқитувчилар орасида илмий салоҳият атиги 0,8 фоизни ташкил этмоқда.</p> <p>Шу боисдан, университетда ёшларни илмий фаолиятга жалб этилиши механизмини ишлаб</p>
--	--	--	--

				чиқиш ва такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, таҳлилий маълумотнома ОТМ ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.
15	<p>Университетнинг Педагогика факультетида ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий тадбирларни амалга ошириб борилишини, ижро интизомини ва ижтимоий муҳитни таҳлилий ўрганиб, ўрнатилган тартибда университет Ректори (Кенгаши)га таҳлилий маълумот киритиш</p>	2019 йил март	<p>ТСНҚБ бош мутахассиси М. Курбанов, Ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи Р. Муллажонов, Илмий бўлим бошлиғи А. Имирсинова, Маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи А. Акбаров</p>	<p>Университет ректорининг 2019 йил 1 февралдаги 01-03-сонли буйруғи талабларидан келиб чиқиб Педагогика факультети ва унинг 5 та кафедраларида ўқув-меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри шакллантирилиши (ДТС, малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурлари, ишчи ўқув режалари ва ишчи ўқув дастурлари билан таъминланганлиги), профессор-ўқитувчилар шахсий иш (Вақт меъёрлари) режалари, шахсий иш режалар асосида кафедра ва келгусида факультетларнинг иш режаларини тўғри тузилганлиги, хисоботларини ўз вақтида тўлиқ расмийлаштирилганлиги, бажарилганлиги, асословчи ҳужжатларини мавжудлиги, талабалар давомати, дарс таҳлили, илмий салоҳият, малака ошириш ҳолати, БМИ ва МДларнинг бажарилиши ўрганилди. Ўз навбатида, факультетда ижро интизоми ва ижтимоий муҳитни аниқлаш, талабалар билан олиб борилаётган ишлар ҳамда уларни таълим ва тарбияга бўлган муносабатларини ўрганиш мақсадида, факультетнинг Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши, Меҳнат таълими, Мусиқа таълими ҳамда Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналишларида таҳсил олаётган 1, 2 ва 3 курслардаги жами 160</p>

			<p>нафар талабалар иштирокида 3 ҳил турдаги ижтимоий сўровномалар ўтказилди.</p> <p>Олиб борилган ўрганиш ишлари натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Педагогика факультети ва унинг 5 та кафедраларида ташкил қилинган таълим ва тарбия жараёнлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2013 йилдаги “Олий таълим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар” тўпламига қўйилган талаблар асосида умумий ҳисобда тўғри ташкил қилинган бўлсада, бироқ, ўқув-меъёрий ҳужжатларни шакллантириш, ижросини амалга ошириш, бажариш ва ташкилий тадбирларни амалга оширишда бир қатор камчиликлар аниқланган бўлиб, уларга баъзи фан дастури, асосан рус гуруҳлари учун ишчи ўқув дастури ва ўқув-услубий мажмуалар шакллантириш ҳамда факультет ва кафедраларнинг 2018-2019 ўқув йили иш режаларига ҳисоботларни тайёрлашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига тўлиқ амал қилинмаганлиги, профессор-ўқитувчилар шахсий иш режалари бандларини ишлаб чиқиш ва ҳажмини белгилаш, дарс жараёнларини ташкил қилиниши, талабалар давомати, БМИ ва МДлар ҳамда илмий-тадқиқот иши ва малака оширишда ташкилий масалалардаги хато-камчиликларни киритиш мумкин.</p> <p>Шу сабабли, Педагогика факультети ва унинг 5 та кафедраларда ўқув-меъёрий ва услубий ҳужжатларни тўғри юритилиши ва таълим</p>
--	--	--	---

				сифатини ошириш юзасидан 30 та бандлардан иборат таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, таҳлилий маълумотнома ОТМ ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.
16	<p>Университетда профессор-ўқитувчилар томонидан PhD ва DSc илмий даражаларини олиш бўйича илмий-тадқиқот ишини олиб борилиши ҳолатини ва унинг самарасини ўрганиш</p>	2019 йил март	ТСНҚБ бош мутахассиси Э.Курбанов	<p>Университетда кафедралар кесимида профессор-ўқитувчиларнинг PhD ва DSc илмий даражаларини олиш бўйича илмий-тадқиқот ишини олиб борилиши ҳолатини ва унинг самарасини ўрганилганда, 2019 йил 1 март кунги ҳолатига кўра, университетнинг 9 та факультетлар таркибидаги 33 кафедраларда жами 735 нафар профессор-ўқитувчилар мавжуд бўлиб, уларда 45 нафар фан доктори (DSc) ва 165 нафар фан номзоди (PhD)лари меҳнат фойятини олиб бормоқда ва илмий салоҳият эса 28.5 фоизни ташкил қилмоқда.</p> <p>Шунингдек, DSc ва PhD илмий даражаларини олиш ҳолати ўрганилганда, сўнги 3 йил (2016, 2017 ва 2018 календарь йили) ичида жами 9та DSc ва 28та PhD илмий даражалари олинганлиги маълум бўлди.</p> <p>Бироқ, университетда тадқиқот ишларини ҳимоя қилиниши кафедралар кесимида таҳлил қилинганда, жами 33 та кафедраларнинг 16 тасида сўнги 3 йилда умуман ҳимоя қилинмаганлиги аниқланди. Шу билан бирга, 3 йил (2016, 2017 ва 2018 календар йили) ичида жами 20 нафар тадқиқотчилар докторантура ва таянч докторантурада таҳсил олган бўлсада, уларнинг 11 таси тасдиқланган мавзулари бўйича диссертацияни ҳимоя қилган бўлса, 9</p>

				<p>нафари эса хозирга қадар ҳимоя қилмаганлиги маълум бўлди.</p> <p>Шу сабабли, ОТМда профессор-ўқитувчилар томонидан PhD ва DSc илмий даражаларини олиш бўйича илмий-тадқиқот ишини олиб борилиши ҳолати ва самарасини яна ҳам ошириш юзасидан таҳлилий маълумотнома тайёрланиб, университет ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.</p>
17	<p>Университетнинг Чет тиллар ва Ижтимоий-иқтисодиёт факультетларида ўқув, ўқув-услугий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий тадбирларни амалга ошириб борилишини, ижро интизомини ва ижтимоий муҳитни таҳлилий ўрганиб, ўрнатилган тартибда ОТМ Ректори (Кенгаши)га таҳлилий маълумот киритиш</p>	2019 йил апрель	<p>ТСНҚБ бош мутахассиси М. Қурбанов, Ўқув-услугий бошқармаси бошлиғи Р. Муллажонов, Илмий бўлим бошлиғи А. Имирсинова, Маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи А. Акбаров</p>	<p>Университет ректорининг 2019 йил 1 февралдаги 01-03-сонли буйруғи талабларидан келиб чиқиб Чет тиллари ва Ижтимоий-иқтисодиёт факультетлари ва улардаги кафедраларда ўқув-меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри шакллантирилиши (ДТС, малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурлари, ишчи ўқув режалари, ишчи ўқув дастури билан таъминланганлик ҳолати), профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш (Вақт меъёрлари) режалари, шахсий иш режалар асосида кафедра ва келгусида факультетларнинг иш режаларини тузилганлиги, хисоботларини ўз вақтида расмийлаштирилганлиги, бажарилганлиги, асословчи ҳужжатларини мавжудлиги, талабалар давомати, дарс таҳлили, илмий салоҳият, малака ошириш ҳолати, БМИ ва МДларнинг бажарилиши ўрганилди. Ўз навбатида, факультетда ижро интизоми ва ижтимоий муҳитни аниқлаш, талабалар билан олиб борилаётган ишлар ҳамда уларни таълим</p>



			<p>ва тарбияга бўлган муносабатларини ўрганиш мақсадида, Чет тиллари факультетнинг Хорижий тил ва адабиёти (Инглиз тили ва адабиёти), Хорижий тил ва адабиёти (Немис тили ва адабиёти) ва Хорижий тил ва адабиёти (Француз тили ва адабиёти) ҳамда Ижтимоий-иқтисодиёт факультетининг Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси, Педагогика ва психология ҳамда Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишларида таҳсил олаётган 1, 2, 3 ва 4 курслардаги жами 394 нафар талабалар (<i>239 ва 155 нафар</i>) иштирокида 3 ҳил турдаги ижтимоий сўровномалар ўтказилди.</p> <p>Олиб борилган ўрганиш ишлари натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Чет тиллар ва Ижтимоий-иқтисодиёт факультетлари ва уларнинг негизидаги кафедраларда ташкил қилинган таълим ва тарбия жараёнлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2013 йилдаги “Олий таълим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар” тўпламига қўйилган талаблар асосида умумий ҳисобда тўғри ташкил қилинган бўлсада, бироқ, ўқув-меъёрий ҳужжатларни шакллантириш, ижросини амалга ошириш, бажариш ва ташкилий тадбирларни амалга оширишда бир қатор камчиликлар аниқланган бўлиб, уларга баъзи фан дастури, асосан рус гуруҳлари учун ишчи ўқув дастури ва ўқув-услубий мажмуалар шакллантириш ҳамда факультет ва</p>
--	--	--	--

				<p>кафедраларда 2018-2019 ўқув йили учун иш режасини ҳисоботларини тайёрлашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига тўлиқ амал қилинмаганлиги, профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режалари бандларини ишлаб чиқиш ва ҳажмини белгилаш, дарс жараёнларини ташкил қилиниши, талабалар давомати, баҳолаш қайдномалари, рейтинг дафтарчаларини тўлдириш, БМИ ва МДлар ҳамда илмий-тадқиқот иши ва малака оширишда ташкилий масалалардаги хато-камчиликларни киритиш мумкин.</p> <p>Шу боисдан, Чет тиллар ва Ижтимоий-иқтисодиёт факультетлари ва уларнинг негизидаги кафедраларда ўқув-меъёрий ва услубий ҳужжатларни тўғри юритилиши ва таълим сифатини ошириш юзасидан 30 та бандлардан иборат таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, таҳлилий маълумотномалар ОТМ ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.</p>
18	<p>Университетда спорт иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва доимий жиҳозлаш бўйича Давлат дастурини бажарилишини ўрганиб чиқиш.</p>	2019 йил апрель	<p>ТСНҚБ бош мутахассиси Э. Қурбанов, Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор А. Ҳамрақулов, Молия-иқтисод ишлари бўйича</p>	<p>2018-2019 ўқув йилида (2019 йил 1 апрель кунги ҳолатига) университетда спорт иншоотлари, инвентар жиҳозлари ва моддий-техника базаларини тўлиқ хатловдан ўтказилганлиги, хатлов натижалари асосида фойдаланилаётган спорт иншоотларини ва спорт инвентарлари билан доимий жиҳозлаш чораларини кўрилаётганлиги, дастур талаблари ижросини ва амалга оширилаётган ишларнинг</p>

			<p>проректор С. Думаев</p>	<p>самараси ўрганилганда, бугунги кунда ОТМда 4 та ёпиқ спорт зали, 2 та сузиш хавзаси, 2 та футбол майдони, енгил атлетика йўлакчалари, 2 та теннис корти, 4 та очиқ волейбол, баскетбол ва гандбол майдонлари мавжуд бўлиб, уларда талабаларни спорт билан шуғулланиши ва дарс жараёнларини тўғри ташкил қилиш учун тегишли инвентар жиҳозлари билан таъминланганлиги ҳамда спорт иншоотларида таъмирлаш ишларини амалга оширилганлиги маълум бўлди. Биргина, Чет тиллари факультети ҳудудидаги спорт зал биносига 124 млн сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилган бўлса, 7 млн. 150 минг сўмлик 73 дона спорт жиҳозлари ҳамда атлетик қобилиятни ва малакаларини ривожлантириш мақсадида 90 млн. сўмлик атлетизм учун спорт жиҳозлари харид қилинди ва жойлаштирилди. Шунингдек, Европа Иттифоқининг Эрасмус+ дастури ModeNED лойихаси доирасида 51057 АҚШ доллари қийматида тиббий жиҳозлар ва бошқа турдаги оргтехника воситаларини олиб келинган бўлса, спорт иншоотларининг моддий техника базасини яхшилаш учун грант лойихалари танловида иштирок этиш бўйича жами 550 млн. сўмлик 2 та тақдимномалар Инновация вазирлигига топширилган ва ҳозирда улар вазирлик томонидан ўрганиб чиқилмоқда.</p> <p>Шунга қарамасдан, ОТМнинг Жисмоний маданият факультетида талабаларга спорт йўналиши бўйича дарс машғулотларини ташкил</p>
--	--	--	--------------------------------	---

				<p>қилишда зарурий янги асбоб-ускуналар, спорт жиҳозлари, техника восита ва бошқа инвентар воситаларга эhtiёж туғилаётганлиги, уни ўз вақтида бартараф қилинмаслиги оқибатида таълим сифатига салбий таъсир қилиш эҳтимолдан холи эмаслиги маълум бўлди.</p> <p>Шу боисдан, университетда спорт иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва доимий жиҳозлаш бўйича Давлат дастурини бажарилишини яна ҳам самарали ташкил қилиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан таҳлилий маълумотнома тайёрланиб, ОТМ ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.</p>
19	<p>Университетга йирик халқаро компанияларда ишлаган етук олим ва мутахассисларни олий таълим муассасаларига раҳбарлик ва профессор-ўқитувчи лавозимларига таклиф қилиш.</p>	2019 йил апрель	<p>ТСНҚБ бош мутахассиси Э. Курбанов, Ўқув ишлар бўйича проректори А. Маматюсупов, Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор С. Думаев</p>	<p>Университетда 2018-2019 ўқув йилида хорижий илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик шартномалари мавжудлиги ва самараси, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни жорий этиш ҳолати ва илмий-педагогик фаолиятига юқори малакали чет эл профессор-ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш ҳолати ўрганилганда, ушбу халқаро фаолият турлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли ва 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли Қарорлари талаблари ташкил этилиб борилаётганлиги аниқланди. Биргина, 2018-2019 ўқув йилида <i>(2019 йил 1 апрель холатига)</i> университет томонидан 12 та</p>

			<p>хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасаса ва элчихоналар билан ўқув, илмий, илмий-тадқиқот, ижтимоий-маданий, ўқув дастурини модернизация қилиш ва кадрлар тайёрлаш соҳаларида истиқболли ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, 15 нафар малакали профессор-ўқитувчилар, олимлар ва мутахассисларни ташриф буюрганлиги аниқланди.</p> <p>Бироқ, ўрганишда ОТМда 9 та факультетлардан 3 таси (Педагогика, Мактабгача таълим ва Жисмоний маданият факультетлари)да хориждаги илмий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган ва йўналиш бўйича самарали ишлар олиб борилаётган бўлсада, 2018 йил сентябрь - 2019 йил март ойларида хориждаги ҳамкор таълим муассасалардан малакали профессор-ўқитувчилар, олимлар ва мутахассисларни жалб этилмаганлиги маълум бўлди. Ўз навбатида, 2018-2019 ўқув йилида университетга йирик халқаро компаниялардан етук олимлар ва мутахассисларни магистрлик ва докторлик диссертацияларини бажаришда илмий раҳбарлик учун таклиф қилиниши ҳолати етарли даражада ташкил қилинмаганлиги ҳам маълум бўлди.</p> <p>Шу муносабат билан университетда хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини яқиндан йўлга қўйилганлиги, ушбу</p>
--	--	--	--

				соҳада эришилган ютуқлар ва аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрланган бўлиб, таҳлилий маълумотнома ОТМ ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.
20	<p>Университетни истиқболда хамкорликлар асосида ривожланган давлатлар олий таълим тизимига интеграция қилиш, модуль тизими асосида таълим жараёнини ташкил этиш ҳамда ОТМ талабалари, докторантлари ва профессор-ўқитувчиларнинг мобиллигини йўлга қўйиш мақсадида «Болонья жараёни»га қўшилиш юзасидан амалий чоралар кўриш.</p>	2019 йил май	<p>ТСНҚБ бош мутахассиси М. Қурбанов, Ўқув ишлар бўйича проректори А. Маматюсупов, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Б. Расулов</p>	<p>Университетда хорижий давлатларда «Болонья жараёни»га ўтган ва самарали фаолият олиб бораётган олий таълим тизимларининг тажрибаси таҳлил қилинганлиги, ўқув жараёнини модуль тизими асосида ташкил этиш учун мавжуд норматив-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш, янги тартиб ва қоидаларни жорий этиши мумкинлиги ҳолатлари юзасидан амалга оширилган ишлар ва самараси ўрганилганда, «Болонья жараёни»га ўтиш бўйича амалга оширилаётган ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 25 апрелдаги 380-сонли буйруғи асосида ташкил қилинаётганлиги ва унда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 210-бандида белгиланган вазифалар ижросини бажариш кўзда тутилганлиги аниқланди.</p> <p>Унга кўра, университет ректорининг 2019 йил 8 майдаги <i>«Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 25 апрелдаги 380-сонли буйруғи ижроси</i></p>

			<p><i>тўғрисида</i> 02-192-сонли буйруғи қабул қилинган бўлиб, унда “Болонья жараёни” га қўшилиш бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, факультет жамоаси ўртасида “Болонья жараёни”га қўшилишнинг техник омиллари ва модул тизимига ўтишни муҳокама қилган ҳолда тегишли таклиф ва тавсияларни тайёрлаш вазифалари белгиланган. Натижада, 2019 йилнинг 8 май куни бошқа факультетлар сингари ОТМнинг Мактабгача таълим факультетида ҳам “Болонья жараёни”га ўтиш ва унинг афзалликлари” мавзусида ўқув семинар ташкил қилинган бўлиб, унда “Болонья жараёни”га ўтишдаги афзалликлари билан бир қаторда, кутилиши мумкин бўлган ўзига хос муаммо ва қийинчиликлар атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, уларга айрим таълим тизимига оид ҳужжатларнинг бандларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши, олий таълимга мустақил бошқарувини амалга оширилишида молиявий масалаларни ҳал қилиниши ва бошқа муаммоларни келиб чиқиши мумкинлиги кутилаётган бўлсада, лекин кўрсатилган қийинчиликлар енгиб ўтилган тақдирда таълим муассасасида таълим сифатини ошиши, талабалар, магистрант, докторантлар ва профессор-ўқитувчилар мобиллигини йўлга қўйилиши, олий таълимдан кейинги босқичда таҳсил олиш ва илмий даража олишни ҳамкор олий ва илмий таълим муассасаларда амалга ошириш мумкинлиги,</p>
--	--	--	--

				<p>дипломлар тегишли тартибда нострификациясиз тан олиниши ва бошқа имкониятларни мавжудлиги маълум қилинган. Шу каби давра суҳбатлари бошқа факультетларда ҳам ўтказилган бўлиб, улардан “Болонья жараёни”га ўтиш мумкин бўлган 21 та қулайликлар билан бир қаторда қийинчиликлар ва муаммолар келтирилган.</p> <p>Шу боисдан “Болонья жараёни”га ўтиш бўйича амалга оширилаётган ишларни самарали ташкил этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрланиб, таҳлилий маълумотнома ОТМ ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.</p>
21	<p>Университет қошидаги академик лицей фаолиятининг самараси ва ўқув жараёни сифати ўрганиш.</p> <p>Университет таркибий бўлинмалари (бошқарма, бўлим, факультет ва кафедралар) билан ўқув-услубий соҳада ҳамкорликни таъминлаш ва амалий ёрдам кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишларнинг сифатини ўрганиш ҳамда аниқланган ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича университет раҳбарияти (Кенгаши)га таклифларни киритиш</p>	2019 йил май	ТСНҚБ бош мутахассиси Э.Курбанов	<p>Университет ректорининг 2019 йил 15 майдаги 01-30-сонли буйруғи талабларидан келиб чиқиб, ОТМ қошидаги 3 та академик лицейлар фаолияти самараси ва ўқув жараёни сифати, ОТМ факультетлари билан ҳамкорлиги, педагог ходимларнинг ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот натижалари, меъёрий хужжатларнинг тўғри юритилиши, ўқувчиларини фан олимпиада ва спорт мусобақаларида фахрли ўринларни олиб келиши, битирувчиларни олий таълим муассасаларга ўқишга кириши ва эришилган бошқа ютуқлари билан академик лицейларнинг кўрсаткичлари таҳлил қилиш орқали ўрганилди.</p> <p>Хусусан, ОТМда академик лицей билан ўқув-услубий соҳада ҳамкорликни таъминлаш ва амалий ёрдам кўрсатиш бўйича олиб борилаётган ишлар Ўзбекистон Республикаси</p>



			<p>Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ 2829-сонли ва 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ 3290-сонли Қарорлари талаблари ижросини таъминлаш асосида ташкил қилиниб, ушбу соҳада бир қатор ютуқ ва муваффақиятларга эришган. Биргина, 10 нафар 2 ва 3 босқич ўқувчиларни вилоят фан олимпиадасида 1 ва 2 ўринларни эгаллаб, Республика босқичига йўлланма олишганлиги, 1 нафар 3 босқич ўқувчиси эса “Зулфия” давлат мукофоти Республика босқичи совриндори бўлганлиги, 1 нафар ўқувчи спортнинг эштак эшиш тури бўйича Ўзбекистон чемпионати ғолиби 1 даражали дипломини қўлга киритганлиги, 417 нафарини ОТМга ўқишга кирганлиги, педагог ходимларнинг ўқувчиларни чет тилларни билиш даражаси ҳақидаги давлат наъмунасидаги сертификатни қўлга киритишга қаратилган ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот натижалари ва бошқаларни киритиш мумкин.</p> <p>Бироқ, академик лицейларда юқоридаги эришилган ютуқлар билан бир қаторда хато ва камчиликлар ҳам аниқланиб, бунга ўқув меъёрий хужжатларнинг тўғри юритилмаслиги, лицей раҳбариятининг иш режалари ва уларни бажарилишидаги, дарс жараёнига профессор-ўқитувчилар томонидан масъулиятсизлик билан қараши каби аниқланган хато-камчиликларни ва бошқаларни мисол қилиш мумкин.</p> <p>Шу боисдан, лицейлар фаолияти ва самараси,</p>
--	--	--	---

				<p>ўқув жараёни сифати, факультетлар билан ҳамкорлиги, педагог ходимларнинг ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот натижалари, меъёрий хужжатларнинг тўғри юритилиши ва бошқа соҳалар юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрланиб, таҳлилий маълумотнома ОТМ ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди</p>
22	<p>Университетда таълим сифатини амалга оширишга халақит берувчи омилларни бартараф этиш бўйича ўқув йили давомида бажарилган ишларнинг танқидий муҳокама этилганлигини ўрганиш. Ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, ўз устида ишлашни хохламаган ва таълим сифатини кўтаришга хайрихоҳлик билдирмаган айрим профессор-ўқитувчиларга нисбатан интизомий чораларни қўллаш бўйича ва аксинча, ўз устида ишлашга астойдил ҳаракат қилган ва фаолиятида ибрат кўрсатган профессор-ўқитувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича таклиф ва тавсияларни университет раҳбарияти (Кенгаши)га киритиш.</p>	2019 йил май	ТСНҚБ бошлиғи Д. Нурматов	<p>Университетда 2018-2019 ўқув йилида ТСНҚБ томонидан ўтказилган ўрганиш ишлари, текширув, мониторинг ва сўровнома натижалари ҳамда дарс жараёнлари ва шахсий иш режаларни ўрганишга жалб қилинган ишчи гуруҳининг фикрлари асосида таълим сифатини амалга оширишга ҳиссасини қўшган, ўз устида ишлашга астойдил ҳаракат қилган ва фаолиятида ибрат кўрсатган 40 нафар, аксинча ўз устида ишлашни хохламаган ва таълим сифатини кўтаришга хайрихоҳлик билдирмаган ҳамда шахсий иш режаларини бажарилишини тўғри ташкил қила олмаган жами 24 нафар раҳбар ходим ва профессор-ўқитувчиларнинг рўйхати шакллантирилди.</p> <p>Шу сабабли, ТСНҚБ томонидан таълим сифатини амалга оширишга халақит берувчи омилларни бартараф этиш, ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, ўз устида ишлашни хохламаган ва таълим сифатини кўтаришга хайрихоҳлик билдирмаган профессор-ўқитувчи ва раҳбар ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, аксинча, фаолиятида ибрат кўрсатган</p>

				шахсларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, улар университет ректори (Кенгаши)га билдирги ва таҳлилий маълумотномалар асосида киритилди.
23	2018-2019 ўқув йили бакалавриат (магистратура) битирувчиларининг ЯДА (ДАК) ва БМИ (МД) ҳимояси фаолиятига тайёргарликнинг бориши, ушбу жараёни амалдаги норматив- ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган талаблар асосида сифатли ташкил этилиши ва уларнинг натижалари асосида битирувчиларга бакалавр (магистр) даражаларни тўғри берилишини назоратга олиш	2019 йил май-июнь	ТСНҚБ бош мутахассиси Э.Курбанов	<p>Университетда 2018-2019 ўқув йилида бакалавриат (магистратура) битирувчиларининг ЯДА (ДАК) ва БМИ (МД) ҳимояси фаолиятига тайёргарликни олиб борилиши, ўтказилиши, жараёнларнинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган талаблар асосида сифатли ташкил этилиши ва бажарилиши фаолияти танланма асосида ўрганилганда, мазкур жараёнларни ташкил қилиниши ОТМ ректорининг 2019 йил 2 май кунги 02-177 (бакалавриат) ва 02-178 сонли (магистратура) буйруқлари талабалари асосида ўтказилаётганлиги ва тўғри ташкил қилинаётганлиги маълум бўлди.</p> <p>Бироқ, ўрганишда комиссия аъзолиги учун таклиф қилинган кадр истеъмолчилари (<i>ўрта-махсус ва халқ таълими тизими</i>)дан вакилларни имтиҳон ва ҳимояга доимий ҳам келмаётганлиги ҳолатлари ва комиссия таркибига раҳбар ходимларни киритилганлиги ҳам қўйилган самарани бермаганлиги кузатилган.</p> <p>Шу билан бирга, ўрганишда имтиҳон ва ҳимоя жараёнларига тайёргарлик, котибларнинг ёндашуви, буйруқ ва айрим талабалар рейтинг дафтарчаларини таёрлашда ҳам</p>

				<p>хато-камчиликлар аниқланган бўлиб, улар юзасидан услубий ёрдам кўрсатилди ва ўрганиш жойининг ўзида бартараф қилинди.</p> <p>Шунга қарамасдан, 2019-2020 ўқув йилида ЯДА (ДАК) ва БМИ (МД) ҳимоясини ташкил қилиниши ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган талаблар асосида сифатли ташкил этилиши юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрланиб, таҳлилий маълумотнома университет ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.</p>
24	<p>“Олий талим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида”ги Низомининг 3-боб 20-банди талабларидан келиб чиқиб, ўқув йилининг кузги ва баҳорги семестрларида талабалар билимини холисона баҳоланишини ўрганиш. Бунда танланма асосида тегишли фанлардан талабалар билимига қўйилган баҳо (балл)нинг объективлигини таҳлилий ўрганиш. Ўрганиш натижалари бўйича таклифларни тайёрлаш ва университет раҳбариятига киритиш.</p>	2019 йил февраль, июнь	ТСНҚБ бош мутахассиси Э.Курбанов	<p>Университет ректорининг 2018 йил 3 декабрдаги 01-68-сонли ва 2019 йил 1 февралдаги 01-03-сонли буйруқлари талабларидан келиб чиқиб, кафедраларда профессор-ўқитувчиларнинг дарс бериш сифати, танланма асосида тегишли фанлардан талабалар билимига қўйилган балларнинг объективлиги ва қўйилган баҳолар (рейтинг баллари)нинг асословчи ҳужжатларининг мавжудлиги ўрганилди. Хусусан, ўрганишда 2018-2019 ўқув йилининг кузги ва баҳорги семестрларида 1 курс талабаларининг баҳоланиши Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2018 йил 9 августдаги 19-2018-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида”ги Низом ҳамда 2, 3 ва 4 курс талабаларининг баҳоланиши 2009 йил 11 июндаги 204-сонли буйруғи билан тасдиқланган</p>

			<p>“Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом талабларига мослиги, улар холисона баҳоланганлиги ҳамда профессор-ўқитувчилар томонидан ЖН, ОН ва ЯН турларини ўтказиш жараёни, тегишли асословчи хужжатларини мавжудлиги, уларга мувофиқлиги ва ўзлаштириш сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Натижада, ОТМда талабаларга билим бериш сифати талабаларни баҳоланиши мисолида 9 та факультетда қиёсий таҳлили қилиниб, асосий эътибор - сабабсиз дарс машғулотларини қолдирган ва машғулотларини ўзлаштириши қийин кечиши мумкин бўлган талабалар томонидан жорий, оралиқ ва якуний назоратлардан баҳоланиш тизими ва тартиби ҳамда уларни фанларни ўзлаштириш кўрсаткичларини тўғрилигига қаратилди.</p> <p>Шу билан бирга, талабалар давомати таҳлили ва уларни баҳоланиш тартибини ўрганиш жараёнида, ОТМнинг айрим факультетларида деканат масъул шахслари томонидан гуруҳ журналлари ва рейтинг қайдномаларини тўғри тўлдириб борилиши бўйича доимий равишда назорат ишларини олиб бормаслиги ва уларда давомати паст бўлган талабаларга келгусида мумкин бўлган нохуш ҳолатларни олдини олиш бўйича профилактика чоралар кўрилмаётганлиги ҳам аниқланди. Биргина, Педагогика, Чет тиллари ва Ижтимоий-иқтисодиёт</p>
--	--	--	--

				<p>факультетларини ўрганишда кузги семестр якунига етган бўлишига қарамасдан, баҳоланиш (рейтинг) қайдномаларидаги баҳоланиш (балл) натижаларини рейтинг дафтарчаларига ўз вақтида кўчирилмаганлиги ва айрим ўқитувчилар томонидан хаттоки аввалги ўқув йиллари учун ҳам баҳоланиш натижалари қўйилмаганлиги аниқланиб, улар юзасидан услубий ёрдам кўрсатилди ва ўрганиш жойида бартараф қилинди.</p> <p>Шу боисдан, факультетларда талабалар давомати, ЖН, ОН ва ЯНларда баҳолаш тизими, тартиби ҳамда сабабсиз машғулотларини қолдирган талабаларни фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари ва профессор-ўқитувчиларнинг дарс бериш сифати амалдаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мос равишда самарали ташкил қилиш ва ўтказиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, таҳлилий маълумотнома университет ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.</p>
25	Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режалари асосида хисоботларини “Вақт меъёрлари” талаблари асосида тўғри бажарилиш ҳолатини ўрганиш	2019 йил июнь	ТСНҚБ бош мутахассиси М. Курбанов	<p>Университет ректорининг 2019 йил 8 июндаги 01-32-сонли буйруғи асосида ОТМда илмий даражага эга ва тажрибали мутахассисларини жалб этган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режалари (Вақт меъёрлари)ни ўрганиш учун 9 та ишчи гуруҳи тузилиб, улар ТСНҚБ ходимлари билан биргаликда 2019 йил 24-29 июнь кунлари 2018-2019 ўқув йили якуни бўйича кафедра профессор - ўқитувчиларнинг шахсий иш режаларини ҳар бир йўналиш</p>

				<p>кесимида бажарганлиги таҳлилий ўрганиб чиқилди. Унга кўра, 2019 йил 1 июль ҳолатига жами 996 нафар профессор-ўқитувчиларни меҳнат фаолиятини олиб бораётган бўлиб, уларнинг 934 таси ишчи гуруҳига шахсий иш режалари асосида бажарилган хисоботларини тақдим қилишган ва жами педагог ходимларнинг 94 фоизни ташкил қилган.</p> <p>Бироқ, ўрганишда, профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаларида ўқув ишлари амалдаги “Вақт меъёрлари”га кўра тўғри тақсимланган бўлса, қолган бўлимлар: ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларининг хажми ва меъёрини белгилашда биров тушунмовчиликларни келиб чиққанлиги маълум бўлди. Ўз навбатида, айрим профессор-ўқитувчилар шахсий иш режаларида белгиланган вазифаларни бажариш ҳолатлари 80-95 фоиз атрофида бўлиб, бунга асосан ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини бажариш бўйича ҳужжатларини тўғри ташкил қила олмаганлиги омил бўлган.</p> <p>Шунга сабабли, ОТМда 2019-2020 ўқув йилида профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаларини тўғри шакллантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрланиб, таҳлилий маълумотнома ОТМ ректори (Кенгаши)га тақдим этилди.</p>
26	Университетда 2019-2020 ўқув йилидан буён давлат буюртмаси ва	2019 йил июнь	ТСНҚБ бош мутахассиси	Университетда 2019-2020 ўқув йилидан буён давлат буюртмаси ва табақалаштирилган

	<p>табақалаштирилган тўлов-контракт тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали олий таълим муассасаларини ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш ва уларга молиявий масалаларда мустақиллик берилганлик бўйича ишларни ташкил қилинишини ўрганиш.</p>		<p>М.Курбанов, Ўқув ишлар бўйича проректори А. Маматюсупов, Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор С. Думаев</p>	<p>тўлов-контракт тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали олий таълим муассасаларини ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш ва уларга молиявий масалаларда мустақиллик берилганлик бўйича ишларни ташкил қилинишини ўрганилганда, мазкур амалга оширилаётган ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 25 апрелдаги 380-сонли буйруғи асосида ташкил қилинаётган бўлиб, унда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 221-бандида белгиланган вазифалар ижросини бажариш кўзда тутилганлиги аниқланди.</p> <p>Бироқ, ўрганишда ОТМда молиявий масалаларда қулайликлар ва афзалликлар билан бир қаторда, мумкин бўлган ўзига хос муаммо ва қийинчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Биргина, университетда стипендия, иш хақи (<i>шартнома асосида фаолият кўрсатувчи</i>), коммунал туловлари, хизмат сафарлари ва бошқа харажат турлари учун маблағлар тўловлари талабаларнинг тўлов-контракти пуллари ҳисобидан шакллантириш белгиланган бўлсада, талабаларнинг шартнома пули миқдори ОТМда сарф қилинаётган харажатларга нисбатан</p>
--	---	--	---	---



				<p>камлигини ташкил қилиб, бир томондан тўлов-контракт суммасининг миқдорини ошириш имкониятини йўқлиги, иккинчи томонидан эса келиб тушаётган маблағларнинг асосий қисми стипендия, иш ҳақи ва бошқа ажратмаларга сарфланаётганлиги боис, коммунал туловлар, хизмат сафарлари, моддий техника базасини ривожлантириш ва бошқа харажатлар учун маблағларни етишмаслиги вужудга келмоқда ва ушбу ҳолатлар университетнинг молиявий ҳолатига жиддий зиён етказиб келмоқда (<i>бюджетдан дотация пулини олиш ва бошқалар</i>).</p> <p>Шунга кўра, университетнинг факультетларида табақалаштирилган тўлов-контракт тизимини жорий этилиши юзасидан фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, улар асосида 30 та таклиф ва тавсиялар тайёрланди ва таҳлилий маълумотнома ОТМ ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.</p>
27 .	<p>Университетда хорижий ҳамкор олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан биргаликда амалга оширилаётган хорижий инвестициявий жозибadorлигини ўрганиш ва ОТМда рақобатбардош кадрларнинг тайёрлаш сифатини таъминланишини ўрганиш ва тизимли тарзда жалб этиш ҳолатига баҳо бериш.</p>	2019 йил июнь	<p>ТСНҚБ бош мутахассиси М.Қурбанов, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Б. Расулов, Матбуот котиби Ш. Хошимжонов</p>	<p>Университетда хорижий ҳамкор олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан биргаликда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган таълим дастурлари (йўналишлар, мутахассисликлар) бўйича кадрлар тайёрлаши, хорижий давлатлардаги олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини (қўшма факультетлар) ташкил этилиши ҳамда университетнинг таълим дастурлари ва имкониятлари ҳақида хорижда тақдимотлар ва ахборотларни намойиш қилиш</p>

			<p>орқали хориждан талабаларни ОТМга жалб қилиниши ҳолатлари ва самараси ўрганилганда, мазкур чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли ва 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли Қарорлари талаблари асосида ташкил этилганлиги аниқланди. Натижада, 2018-2019 ўқув йилида хориждаги 28 та олий ўқув юртлари, илмий-таълим муассасалари ва мамлакатимиздаги элчихона ваколатхоналари билан ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ижтимоий-маданий, маънавий, ўқув дастурини модернизация қилиш ва кадрлар тайёрлаш соҳаларида истиқболли ҳамкорлик шартномалари имзоланганлиги аниқланган бўлиб, шартнома талабларига мувофиқ профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг алмашинуви, халқаро ва илмий тренинглар ташкил этилиши, қўшма факультетлар ва қўшма кафедраларни очиш бўйича келишувларга эришилганлиги маълум бўлди. Ушбу шартномалар асосида 2018-2019 ва 2019-2020 ўқув йилларида университетга 139 нафар юқори малакали профессор-ўқитувчилар, олимлар ва мутахассисларни ташрифи бўйича келишув музокаралар олиб борилиб, биргина (2019 йил 1 июнь кунги ҳолатига) узоқ хорижий давлатларнинг узидан 24 нафарини ташрифи амалга оширилди.</p> <p>Шу билан бирга, Қирғизистон Республикаси Ош давлат университетида 27 нафар</p>
--	--	--	---

			<p>талабаларни таҳсил олиб қайтганлиги, Ош давлат университетидан 18 нафар талабаларни ОТМнинг Жисмоний тарбия, Хорижий тиллар, Табиий фанлар ва Педагогика факультетларида ўз таълим йўналишлари бўйича таҳсил олганлиги, ўз навбатида, Кореянинг Тонгмёнг университетига 1 нафар талаба 6 ойлик ўқув курсига ва 3 нафар магистр талабаларни тил курсларига ҳамда Қозоғистоннинг Жеттису давлат университетига 3 нафар талабаларни таълим йўналиши бўйича таҳсил олиш учун юборилган бўлса, мазкур олий таълим муассасаси билан халқаро ҳамкорликни яна ҳам ривожлантириш мақсадида университетнинг Физика-математика факультетида “Жеттису” халқаро маркази ташкил қилинди ва ҳозирда ўз фаолиятини самарали ташкил қилиб келмоқда. Натижада, марказ томонидан 1 та ёш олим, 2 нафар магистр ва 5 нафар бакалавр талабаларнинг алмашинуви йўлга қўйилди.</p> <p>Ўз навбатида, 2018-2019 ўқув йилида ОТМдан 14 нафар профессор-ўқитувчилар Европа ва Осиё таълим муассасаларида малака ошириш ва турли хил анжуманларда иштирок этган бўлса, 15 нафар профессор-ўқитувчилар Қирғизистоннинг Ош давлат университети ва Қирғиз-ўзбек университети, Тожикистоннинг Миллий университети, Хўжанд давлат университети ва Тожикистон давлат педагогика университетларида мастер-класс маъруза машғулоти ва семинар-тренинглари</p>
--	--	--	--

			<p>Ўтказиб қайтганлиги аниқланди.</p> <p>Европа Иттифоқининг ERASMUS+ дастури доирасида Италиянинг Лакула университети билан олиб борилган халқаро ҳамкорлик натижасида 28 минг АҚШ доллари қийматидаги лаборатория-техника жиҳозлари ҳамда АҚШ элчихонасидан 13 минг АҚШ доллари қийматида ўқув ва илмий адабиётлар олиб келиниши таъминланди. Шунингдек, АҚШнинг Вашингтон университети ва Жанубий Кореянинг Сеул миллий университетлари билан олиб борилган ҳамкорликлар асосида узоқ муддатларга хориждан профессор-ўқитувчиларни жалб қилиниши ва талабаларга амалий дарс машғулотларини ўтилиши таъминланди.</p> <p>Бундан ташқари, университет билан Россиянинг Мордовия давлат университети ва Беларусиянинг Полоцк давлат университетлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатилиб, 2+2 қўшма таълим дастурини ва академик алмашинувини йўлга қўйилганлиги маълум бўлди.</p> <p>Мазкур эришилган ютуқлар ва муваффақиятлар асосида университетнинг жозибадорлигини ошириш ва фаолиятини ёритиш бўйича YouTube ижтимоий тармоғига 50 тадан ортиқ видеоматериаллар жойлаштирилиб, унинг кўрувлари сони 3300 дан ошган бўлса, Facebook ва Telegram ижтимоий тармоқларига 100 дан ортиқ видеоролик ва 500 дан ортиқ хабарлар жойлаштирилиб, уларнинг</p>
--	--	--	---

				<p>қамров доираси 15 мингдан ортганлигини ҳамда ОТМнинг расмий веб-сайти ва республика оммавий ахборот воситаларида узлуксиз кўрсатув, эшиттириш, мақола ва эълонлар бериб келинаётганлигини айтиш мумкин.</p> <p>Шунга қарамасдан, хорижий ҳамкор институтлар билан алоқаларни яна ҳам самарали ташкил қилиш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизими сифатини таъминлаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, таҳлилий маълумотнома ОТМ ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.</p>
28	<p>Ўқув йили якунига бағишланган ОТМ Кенгаши мажлисида бўлим томонидан таълим сифатини яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар натижалари, мавжуд камчиликларни бартараф этилганлик ҳолати, таълим сифатини янада кўтаришга қаратилган таклифлар бўйича маълумот бериш</p>	2019 йил июнь-июль	ТСНҚБ бошлиғи Д. Нурматов	<p>Андижон давлат университети таркибидаги Таълим сифатини назорат қилиш бўлимининг 2018-2019 ўқув йили учун Иш режасида 33 та бандлари талабларига мувофиқ университетда 9 та факультетлар, 3 та академ-лицейлар, 1 бошқарма, 8 та бўлим ва 3 та марказларда ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, устоз-шогирд, маънавий-маърифий ва ташкилий чора-тадбирларни амалга оширилиши, уларда моддий-техника базасининг ривожланганлиги, ижро интизоми ва ижтимоий муҳитни соғломлигини сақлаб қолиш борасида олиб борилаётган ишлар ва уларнинг самарадорлиги таҳлилий ўрганилди.</p> <p>Ўрганиш натижалари асосида берилган таклиф ва тавсиялар асосида университет ректори (Кенгаши)га 2 та билдирги, 8 та ахборот хатлари ва 106 та таҳлилий маълумотномалар киритилди. Мазкур хужжатлар ўқув йили</p>

				<p>давомида ўтказиб келинган университет Кенгаши йиғилишлари ва унинг якуний қарори бўйича ҳафталик аппарати йиғилишларида атрофлича муҳокамадан ўтказилиб, ваколат доирасида ижросини назоратга олиш ва таъминлаш учун йўналишлари бўйича университет проректорларига йўналтирилди.</p> <p>Бундан ташқари, ТСНҚБ томонидан университетда 2018-2019 ўқув йилида таълим сифатини яхшилаш бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари, мавжуд камчиликларни бартараф этилганлиги ва таълим сифатини янада кўтаришга қаратилган таклиф ва тавсиялар университет Кенгашининг 2019 йил 2 июль куни ўтказилган 10-йиғилиши кун тартибига киритилиб, йиғилишда ТСНҚБ бошлиғи ўқув йили якунида бўлим ҳисоботи билан қатнашди.</p>
29	<p>Бўлимнинг 2018-2019 ўқув йили якуни бўйича иш режасини бажарилиши ҳақида ҳисобот тайёрлаш, уни университет ректори (Кенгаши)га ва ўрнатилган тартибда Давлат инспекциясига тақдим этиш</p>	2019 йил июль	<p>ТСНҚБ бошлиғи Д.Нурматов, бош мутахассислар М. Қурбанов, Э.Қурбанов</p>	<p>Андижон давлат университети таркибидаги Таълим сифатини назорат қилиш бўлимининг 2018-2019 ўқув йили учун иш режасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ҳисоботи тайёрланган бўлиб, ўрнатилган тартибда университет ректори (Кенгаши) томонидан тасдиқланди ва унинг бир нусхаси Давлат инспекциясига тақдим этилди.</p>
30	<p>ОТМ веб-сайтида бўлимнинг махсус саҳифасида очилган “Таълим сифати” рукнининг доимий юритилишини таъминлаш. 2018-2019 ўқув йили якуни бўйича</p>	2019 йил июль	<p>ТСНҚБ бош мутахассисари М. Қурбанов, Э. Қурбанов</p>	<p>Андижон давлат университетининг <a href="http://www.adu.uz">www.adu.uz</a> веб-сайтида ташкил қилинган ТСНҚБнинг махсус саҳифасида бўлим тўғрисидаги умумий маълумотлар ва олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотлар бериб</p>

	хисобот тезисларини университет веб-сайтига жойлаштириш			<p>борилаётган бўлиб, келгусида бўлим билан таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари, ишчи-ходимлари, талабалари, докторантлари, кадрлар истеъмолчилар, ота-оналар ва фуқароларнинг таълим сифатини оширишга қаратилган фикр-мулоҳазалари, таклифлари, мурожаат ва эътирозларини ўрганиб бориш, ҳамда унга таъсир қилувчи салбий омиллар тўғрисида ўз вақтида хабардор бўлиш ва уларга нисбатан тегишли чора-тадбирлар белгилаш учун ОТМнинг веб-сайтида “Таълим сифати” рукни ишга туширилган бўлиб, ҳисобот даврида 19 та ёзма мурожаатлар таҳлил қилинди ва улар асосида тайёрланган 8 та маълумотномалар ваколат доирасида ўрганиш ва мурожаатчиларга жавоб хатини йўллаш учун ОТМ ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.</p> <p>Шунингдек, 2018-2019 ўқув йили учун иш режаси асосида амалга оширилган чора-тадбирлар ҳисоботи тезислари веб-сайтга жойлаштириш учун университет Матбуот котибига тақдим қилинди.</p>
31	Бўлимнинг 2019-2020 ўқув йили учун иш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	2019 йил июль	ТСНҚБ бошлиғи Д.Нурматов	<p>Андижон давлат университети таркибидаги Таълим сифатини назорат қилиш бўлимнинг 2019-2020 ўқув йили бўйича Иш режаси ишлаб чиқилиб, муҳокама қилишлик ва тасдиқланиш учун университет ректори (Кенгаши)га тақдим қилинди.</p>

